

Қумқўрғон туманида референдум бўйича тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.



Республикамиз бўйлаб янги Конституция бўйича референдум олдиан «Конституция меники, сеники, бизники! Конституция ўзимизники» шиори остида тарғибот тадбирлари, ўтказилмоқда.

Қумқўрғон тумани Ички ишлар бўлими биносида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Азамжон Тўлабоев, Халқ депутатлари Қумқўрғон туман Кенгаши котибият мудирини Қ.Чоршанбиев, туман депутати М.Номозов, туман Адлия бўлими бошлиғини Р.Султонов ҳамда ИИБ ходимлари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар янги конституциямизнинг мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрни, унга киритилаётган янги қўшимчалар ва ўзгаришлар халқимизнинг турмуш тарзини янада фаровонлашишига, инсон қадрини бундан-да юксалишига хизмат қилишини таъкидлаб, барчани 30-апрел куни бўлиб ўтадиган референдумда фаол иштирок этишга чақирди.